



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2025 йил 15 август, № 166 (9061)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ФРАНЦИЯ ЭЛЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 август куни мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини якунлаётган Франция Республикасининг Фавкуллда ва мухтор элчиси Орелия Бушезни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари Франция элчисининг самарали фаолияти ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қўшган шахсий ҳиссасини алоҳида қайд этди.

Бўлиб ўтган олий даражадаги ўзаро ташрифлар Ўзбекистон — Франция ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, унинг кун тартибидан аниқ мазмун билан бойитишга хизмат қилгани таъкидланди.

Турли даражаларда тизимли мулоқот ва фаол алоқалар йўлга қўйилган. Савдо-иқтисодий соҳада сезиларли муваффақиятларга эришилди: кейинги йилларда товар айирбошлаш 4 баробар кўпайди, Франциянинг етакчи компания ва ташкилотлари билан умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Таълим, соғлиқни сақлаш ва маданий-гуманитар алмашинув соҳаларида муҳим дастурлар амалга оширилмоқда. Лувр музейи ва Араб дунёси институтида кўргазмалар катта муваффақият билан ўтди. Париж шаҳри яқинида Беруний хайкали очилди. Франция пойтахтида кўчага Самарқанд номи берилди. Жорий йилда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон — Франция университети ўз ишینی бошлади.

Учрашув якунида Ўзбекистон Президенти Франция Республикасининг Фавкуллда ва мухтор элчиси Орелия Бушезга мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси учун «Дўстлик» орденини топширди.

Элчи хоним унинг дипломатик миссияси юксак баҳолангани ҳамда Ўзбекистон ва Франция ўртасида кенг қўламли ҳамкорлиқни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ҚАЙТА ИШЛАШ ҚЎШИМЧА ДАРОМАД КЕЛТИРАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев чикиндиларни қайта ишлашни кенгайтириш чора-тадбирлари бўйича тақдимот билан танишди.

Юрт ободлиги ва аҳоли саломатлигида катта ўрин тутадиган бу соҳага замонавий ёндашувлар олиб кирилмоқда. Охириг уч йилда барча манбалардан 2 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Ўтган йили Чикиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

Чикинди корхоналари учун 1 минг 200 та янги техника олиб берилди. Маҳаллаларда чикинди майдончалари қурилди. Тўплаш ва ташиб кетиш яхшилангани натижасида бу тармоқ иқлимчи хомашё манбаига айланди.

Аваллари давлат монополиясида бўлган соҳада тадбиркорликка йўл очилиб, қўлай бизнес муҳити яратилди. Жумладан, санитар-тозалаш ҳамда чикиндини қайта ишлаш корхоналари учун фойда солиғи ва ижтимоий солиқ ставкалари 1 фоиз этиб белгиланди. Четдан олиб келинадиган техника ва ускуналар импорт божидан озод қилинди. Натижада 200 га яқин санитар-тозалаш ва 290 та чикиндини қайта ишлаш корхоналари очилди.

Тақдимотда мутасаддилар соҳадаги лойиҳаларнинг бориши ва галдаги режалар ҳақида ахборот берди.

Юртимизда йилига 14 миллион тонна маиший чикинди ҳосил бўлади. Лекин уларни қайта ишлаш даражаси паст. Сўнгги йиллардаги лойиҳалар натижасида бу энди 5 фоизга етди. Чикиндини ёқиб орқали

энергия ишлаб чиқариш лойиҳалари қўллаб-қувватланмоқда. Хитойлик инвесторлар 6 та вилоятда шундай заводлар қурапти. Давлат чикинди утилизацияси учун уларга тўлов қилиш билан бирга, ҳосил бўлган энергияни сотиб олиш бўйича ҳам мажбурий агентлиги ташкил этилди.

Яқинда Тошкент шаҳрида тиббиёт чикиндисини ёқиб иссиқлик оладиган иккита корхона ишга туширилди. Яна Самарқандда 2 та, қолган худудларда биттадан шундай заводлар қурилиши мўлжалланган.

Маиший чикиндиларнинг тўртдан бири қоғоз, пластик, резина, шиша, тўқимачилик қолдиқларига тўғри келади. Уларни қайта ишлаб, 1 триллион сўмлик маҳсулот олиш мумкинлиги айтилди. Бундан ташқари, юртимизда қайта ишланмайдиган қурилиш, кимё, электрон, техник ва санаят соҳалари бўйича катта захира борлиги кўрсатиб ўтилди.

Чикиндини ташиб кетиш хизматлари аҳолини рози қиладиган даражада бўлиши кераклиги таъкидланди. Шу боис маҳаллага чикинди техникасининг келиши ва ҳаракатини он-лайн кўриш имкониятини яратиш вазифаси қўйилди.

Ижтимоий муассасалар ва маҳаллаларни чикинди контейнерлари билан тўлиқ таъминлаш бўйича икки йиллик дастур ишлаб чиқиши белгиланди. Аҳолида экологик маданиятни боғча ва мактабдан бошлаб шакллантириш муҳимлиги таъкидланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БИР ГУРУХ ФАЛАСТИНЛИК ФУҚАРОЛАРГА ДАВЛАТ ҒАМХЎРЛИГИ, МЕҲР-ШАФҚАТ ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА КЎМАК БЕРИШ ТИЗИМИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Инсон ҳаёти, шаъни ва кадр-қимматини улуғлаш, муҳтожларга меҳр билан ёндашиш, эзгулик ва адолат тамойилларига содиқ қолиш динимиз, маданиятимиз ва аъёнларимизнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Сўнгги йилларда юртимизда давлат ва жамият ўртасида инсонпарварликка асосланган муносабатларни янада мустаҳкамлаш, эҳтиёжмандларга ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу эзгу йўналишда юртимиз ҳар қандай даврларда ўз бағрикенглиги, меҳр-шафқати ва инсонпарварлик аъёнларини намён этиб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистонга олиб келинган фаластинлик фуқароларга (кейинги ўринларда — меҳмонларга) бошпана берилиши ҳамда кўмак кўрсатилиши халқимизнинг асрлар давомида шакланган қадриятларга содиқлиги ва давлатимизнинг ҳақиқий инсонпарварлик сиёсати амалда ифода бўлаётганидан далолат бермоқда.

Меҳмонларга адолат тамойили асосида доимий ғамхўрлик ва ижтимоий кўмак кўрсатиши таъминлайдиган механизмларни жорий этиш мақсадида қарор қиламан:

1. Меҳмонлар ижтимоийлашувини таъминлаш
а) меҳмонлар учун қўлай шaroитлар яратиш мақсадида қуйидаги ишлар бажарилгани маълумот учун қабул қилинсин:

а) меҳмонларни вақтинча яшаш объектларида жойлаштириш, уларнинг бирламчи эҳтиёжлари юзасидан масалалар ҳал этилди;

б) меҳмонларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва зарур дори-дармонлар билан таъминлаш чоралари қўрилди;

в) меҳмонларнинг жамиятга интеграция қилиниши ва маънавий қўллаб-қувватланишини таъминлаш мақсадида маданий-маърифий учрашувлар ва дўстлик кечалари каби тадбирларни (шу жумладан, болалар учун) ўз ичига олувчи махсус дастурлар ташкил этилди.

II. Меҳмонларни жамиятга интеграция қилиш ишларини жадаллаштириш

2. Фаластинлик беморлар ва уларга ҳамроҳлик қилувчиларни Ўзбекистон Республикасида яшашга мослаштириш жараёнига қўмаклашиш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар Республика комиссиясининг асосий фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

а) меҳмонларга яратилган имкониятларни рўёбга чиқариш юзасидан давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

(Давоми 2-бетда).



БЕПАРВОЛИК ВА ҚОНУНБУЗАРЛИК — ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ БОШ ОМИЛИ

Кеча Наманган вилоятининг Поп туманида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигида Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг сайёр мажлиси бўлиб ўтди.

Сайёр мажлис

Наманган вилоятида криминоген вазиятни барқарорлаштириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш борасидаги ишлар ҳолати кўриб чиқилган мажлисда миллий ва худудий кенгашларнинг аъзолари, сенаторлар, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари, вазирилик

ҳамда идоралар раҳбарлари, фаоллар иштирок этди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда вилоятнинг иқтисодий салоҳияти юқори бўлиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг 82 фоизи кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида банд. Жорий йилда 4 млрд. доллар миқдориди

инвестициялар жалб қилиш, 1 млрд. долларлик экспорт, 323 минг иш ўрни яратилди ва 55 минг оилани камбағалликдан чиқариш режалаштирилган.

Жиноятчиликка оид кўрсаткичлар ҳам таҳлил қилинди. 2024 йилда вилоятда жами 8 204 та жиноят қайд этилган. Уларнинг 35 фоизи кибержиноятлардир. Жорий йилнинг етти ойида эса 5 786 та жиноят содир қилинган, шундан 45,6 фоизи кибержиноятлар ҳисобланади. Қонунбузилишларнинг катта қисми олди олиниши мумкин бўлган туркумга кирди. ➡2

АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги «Хукумат соати» бўлиб ўтди. Унда қонунчилик ҳужжатларини сифатли тайёрлаш ҳамда норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

«Хукумат соати»

Кун тартибидидаги масала юзасидан депутатларнинг саволларига адлия вазири Акбар Тошқулов жавоб берди.

Қайд этилганидек, янги Ўзбекистоннинг қонунчилик базаси ислохотларга ҳамроҳан тарзда юқори суръатларда янгиланмоқда. Ҳозирги кунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фонди 26 мингдан ортиқ ҳужжатларни ўз ичига олади, шундан 17 мингга яқини ёки 65 фоизи охириги 8 йилда қабул қилинган.

Хусусан, 2016 йилга қадар ҳар йили 15 — 20 та қонун қабул қилинган бўлса, 2024 йилда бу рақам 125 тага етган. Бу — 5 баравар ўсиш дегани. Бундай динамика фақат қонунлар сонининг ортиши билан эмас, балки ислохотлар ҳуқуқий жиҳатдан комплекс таъминланиши, соҳавий ўзгаришларнинг тезкор ва мақсадли ҳуқуқий асослар билан мустаҳкамланаётганини кўрсатади.

Бундай шароитда Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқишига эришиш муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, халқ вакиллари қонун лойиҳаларининг қуйи палатага сифатли ва ўз вақ-

тида киритилиши, қонунчилик текшириши қонунчилик мувофиқлиги, ҳуқуқий ва коррупцияга қарши экспертизалардан ўтказилиш ҳолати борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида вазирилик масъулларидан изоҳ сўради.

Таъкидланганидек, айрим қонун лойиҳаларининг палатага етарли даражада сифатли тайёрланмаган ҳолда киритилиши Адлия вазириликнинг ҳуқуқий экспертиза соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Ўз ўрнида вазирилик ва идораларда ҳам норма ижодкорлиги борасидаги кўникма ва масъулият даражаси ҳамон етарли эмас.

Бу, айниқса, Адлия вазириликнинг ҳуқуқий экспертиза учун тақдир этилаётган қонун лойиҳаларининг сифатли тайёрланмаган ҳолда киритилиши мезониди аққол намён бўлмоқда. Мисол учун, вазирилик томонидан охириги бир ярим йилда 355 та қонун лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган. Уларнинг 68 таси (19 фоизи)ни қабул қилиш мақсадида мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса берилиб, ваколатли органларга киритилишининг олди олинган. ➡3

ЭКСПОРТ УЧУН ИМПОРТ ҚИЛИНАЁТГАН ПАХТА

Ўзбекистоннинг жаҳон тўқимачилик бозоридаги стратегияси

Кейинги пайтларда Ўзбекистон ўзининг йирик ишлаб чиқариш ҳажмларига қарамай АҚШдан пахта харид қилиши мумкинлиги ҳақидаги хабар кенг муҳокама этилмоқда. Бу ҳолат ажабланарли туялади. Сабаби мамлакат аънавий пахта экспортчиси бўлиб келган. Лекин бу ерда гап Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотларининг жаҳоннинг премиум бозорларидаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган стратегик қадам ҳақида кетмоқда.

Долзарб мавзу

Тўқимачилик саноатининг жадал ўсиши

Сўнгги йилларда Ўзбекистон тўқимачилик саноатида катта ижобий ўзгаришлар рўй берди. 2017 йилдан буён калава ип ишлаб чиқариш ҳажми 412 минг тоннадан 970 минг тоннагача, трикотаж мато бўйича ўсиш 68 минг тоннадан 312 минг тоннагача, тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш эса 960 млн. донадан 3,1 млрд. донагача ошди. Бу кўрсаткичлар мамлакат ичида пахта



тани чуқур қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот экспортини рағбатлантириш сиёсати натижасидир.

Ҳақиқатан ҳам, агар 2016 йилда Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотлари экспорти қарийб 1,1 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2024 йилга келиб бу кўрсаткич 2,8 млрд. долларга етди. Бу эса тармоқнинг халқаро бозорлардаги рақобатбардошлиги

ошганидан далолат беради. Бугунги кунда Ўзбекистонда етиштирилган пахта ҳосили тўлиқ маҳаллий корхоналарда қайта ишланиб, пахта толасини ўзимизда қайта ишлаш даражаси 100 фоизга етган. Ўзбекистон тўқимачилик фабрикаларининг маҳсулотлари ҳозирда 75 дан ортиқ мамлакатга экспорт қилинмоқда. ➡4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БИР ГУРУХ ФАЛАСТИНЛИК ФУҚАРОЛАРГА ДАВЛАТ ҒАМХЎРЛИГИ, МЕҲР-ШАФҚАТ ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА КЎМАК БЕРИШ ТИЗИМИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

б) меҳмонларни худудлар кесимида жойлаштириш ҳамда мазкур чора-тадбирлар билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш;

в) меҳмонларни жамиятга интеграция қилиш билан боғлиқ масалаларни мунтазам равишда муҳокама қилиш ҳамда бу борадаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш ва муаммоларни ҳал қилишга қаратилган чоралар кўриб бориш;

г) меҳмонларни қўллаб-қувватлаш бўйича қисқа ва узоқ муддатларга мўлжалланган тақлифларни ишлаб чиқиш, жойларда амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини мониторинг қилиш.

III. Меҳмонлар эҳтиёжларини аниқлаш ишларини ташкил қилиш

4. Республика комиссияси (С. Умурзаков) бир ой муддатда меҳмонлар эҳтиёжлари ва имкониятларини баҳолаш орқали уларнинг жамиятга интеграциясини таъминлаш бўйича ҳар бир оила учун зарур бўлган ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш режаларини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

5. Белгилансинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги) Республика комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади;

б) меҳмонлар билан маҳалла даражасида бевосита ишлар «маҳалла еттичилиги» ва «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари томонидан ташкил этилади;

в) меҳмонлар учун ишлаб чиқилган ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш режалари республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда уларнинг бўлимлари учун мажбурий ҳисобланади.

IV. Меҳмонларни ижтимоий хизмат ва ёрдам билан қамраб олиш

6. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (М. Оллоёров): а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худайров) билан биргаликда **икки ой муддатда** ногиронликка олиб келувчи касалликларга чалинган меҳмонларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган даволаниш муддатидан қатъи назар, **ногиронликни белгилаш** чораларини кўрсин;

б) **икки ҳафта муддатда** меҳмонларга зарур **иш стажига эга бўлмаган кекса фуқароларга бериладиган нафақа таъинлаш**ни таъминласин.

7. Белгилансинки:

а) ҳар бир меҳнат ёшидаги меҳмон (I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар бундан мустасно) учун ҳар ойда минимал истеъмол харажатлари миқдорида **яшаш нафақаси** жорий этилади;

б) меҳмонларнинг ҳар бир оиласига яшаш манзили бўйича уй-жойнинг ижара харажатлари қоплаб берилди;

в) меҳмонларга фарзанд туғилганда бериладиган **бир марталик нафақа** ҳамда **дафн этиш учун нафақа** тўлови

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган миқдорда тўланади;

г) меҳмонларнинг ҳар бир оиласига бирламчи зарурий воситалар (оилада ишлатиладиган ноозиқ-овқат маҳсулотлари тўплами) хариди учун бир марталик **кўтарма пул** қўшимча равишда тўлаб берилди;

д) меҳмонларнинг оила аъзоларига шахсий ҳамроҳлик қилиш ва индивидуал кўмак кўрсатиш, шунингдек, уларнинг эҳтиёжлари ва индивидуал талабларини рўёбга чиқариш мақсадида биттадан маҳалладаги ижтимоий ходим бириктирилади.

V. Меҳмонларнинг фарзандларини таълимга жалб қилиш

8. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Э. Каримова):

а) меҳмонлар яшаш манзиллари бўйича уларнинг фарзандларини давлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга жойлаштириш;

б) меҳмонларнинг ҳар бир фарзанди ўқув ва тарбия жараёнига мослашиши учун мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларнинг директорлари ўринбосарларини бириктириш;

в) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда таълим ташкилотларида меҳмонлар фарзандларининг мослашуви ва ҳар томонлама камол топиши юзасидан **доимий мониторинг** амалга ошириш чораларини кўрсин.

9. Белгилансинки:

а) меҳмонлар давлат мактабгача таълим ташкилотларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўловидан **2028 йил 1 январига** қадар озод этилади;

б) меҳмонларнинг фарзандлари давлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга навбатга қўйилмаган ҳолда, «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари талабномаси асосида жойлаштирилади;

в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 17 январдаги «2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-12-сон қарори доирасида меҳмонларнинг фарзандларини давлат умумий ўрта таълим ташкилотларида қўшимча таълимга (касб-хунар, ахборот технологиялари, олий таълим ташкилотларига тайёрлаш йўналишида) жалб қилиш ҳамда уларни ўқитиш харажатларининг 100 фоизи Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилди.

10. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов) **икки ой муддатда** меҳмонларнинг хоржий давлатда умумий ўрта махсус, касб-хунар (профессионал), олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатларини тан олишни тест синоволарисиз ва ййгим ундирмаган ҳолда амалга оширсин.

VI. Меҳмонларнинг соғлигини кўллаб-қувватлаш

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худайров):

а) меҳмонларнинг яшаш манзиллари бўйича оилавий

шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар ва туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида ҳисобга қўйилишини таъминласин;

б) меҳмонларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатишда камбағал оилаларга мансуб шахслар тоифаси қаторида йўлланма ажратиб борсин.

VII. Меҳмонлар бандлигини таъминлаш

12. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Захидов) Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (М. Оллоёров) билан биргаликда **бир ой муддатда** меҳмонларнинг хоҳишига кўра уларнинг бандлигини таъминлаш, замонавий касб-хунарни эгаллашига кўмаклашиш бўйича Республика комиссиясига тақлифлар киритсин.

13. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Марказий банк, АТ «Халқ банки» ва бошқа тижорат банклари тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган меҳмонларни **оилавий тадбиркорликни ривожлантириш**, «Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш», «Бизнесга биринчи қадам» ва «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастурлари доирасида тадбиркорликка жалб қилиш чораларини кўрсин. Бунда дастурлар доирасида меҳмонлар молиявий кўмаклардан фойдаланиши учун бюртмалар қабул қилиш ва ажратилган маблағлардан фойдаланишни мониторинг қилиш **ҳоким ёрдамчилари** ва **маҳалла банкирлари** томонидан амалга оширилади.

VIII. «Маҳалла еттичилиги»нинг меҳмонлар билан ишланиши ташкил этиш

14. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг **2-иловага** мувофиқ **меҳмонларни ҳамжихатликда маҳалланинг маънавий муҳитига қўшиш** бўйича «маҳалла еттичилиги» ва бошқа вакилларга қўшимча вакифаларни юклатиш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.

15. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (К. Куранбаев), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Худайров), Ёшлар ишлари агентлиги (А. Саъдуллаев) ҳамда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси (З. Махжамова) **бир ой муддатда** «маҳалла еттичилиги» ва бошқа вакилларга қўшимча юклатилган вакифаларга асосан ички дастурларни қабул қилиш ва режа-жадвалга мувофиқ зарур чоралар кўриб борсин.

IX. Меҳмонларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини молиялаштириш ва Фармон ижросини ташкил этиш

16. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг меҳмонларнинг масалаларини ҳал этиш чора-тадбирларини молиялаштириш мақсадида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузурида юридик шахс мақомисиз махсус жамғармини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифни маъқуллансин.

17. Белгилансинки:

а) махсус жамғарма қуйдаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

рим давлат хизматчиларининг қонунга зид равишда тадбиркорлик билан шуғуллангани ҳам аниқланган.

Мажлис якунида Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш томонидан Наманган вилояти маҳаллаларида хавфсизликни кучайтириш, рақамлаштиришни жорий этишни жадаллаштириш, ижтимоий профилактика ишларини сифат жиҳатдан ахшиллаш бўйича аниқ вакифаларни назарда тутган қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

БЕПАРВОЛИК ВА ҚОНУНБУЗАРЛИК — ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ БОШ ОМИЛИ

Уларнинг асосий сабаблари сифатида аҳоли мулки хавфсизлигига бепарволик, етарли даражада профилактик тадбирларнинг йўлга қўйилмаганлиги ва ижтимоий муҳитдаги салбий омиллар санаб ўтилган.

Оила ва маиший соҳа билан боғлиқ жиноятлар ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. 2025 йилнинг дастлабки етти ойда қотиллик-

ларнинг 60 фоизи, тан жароҳати етказиш жиноятларининг эса бешдан икки қисми оилавий низолар сабабли содир бўлган.

асосий қисмини ўзлаштириш, мансаб ваколатини суистеъмом қилиш ва пора олиш ҳолатлари ташкил этади.

Сенат қўмитасида ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ НАТИЖАЛАРИ ҚОНИҚАРЛИМИ?



Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси мажлиси бўлиб ўтди. Қўмита аъзолари томонидан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қонун дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик вазиятни яхшилаш бўйича тизимли ишлар олиб бориляпти.

Шунингдек, республикаимизда миллий ва хорижий фойдаланувчилар учун расмий статистика маълумотларининг очиқлиги ҳамда шаффофлигини энг юқори даражада таъминлаш, жумладан, иқтисодиёт соҳаларининг ривожланиш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

насидан фойдаланиш натижасида юзага келадиган чиқиндиларни қайта ишлаш харажатларини қоплаш учун утилизация ййгимини жорий этишни назарда тутувчи ҳамда айрим қонунларга Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасининг номи ва ҳуқуқий мақоми ўзгартирилишини назарда тутувчи қўшимча ҳамда ўзгартиришлар киритилмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши қурилиш ойнаси санаяти ривожлантиришга, унинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтиришга, қурилиш ойналарининг сифатини янада яхшилашга, мамлакатнинг расмий статистика соҳасидаги маълумотларнинг ислохотларни самарали амалга ошириш доирасида статистика органларининг фаолиятини такомиллашти-

ришга ҳамда расмий статистикадан фойдаланувчилар учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Мажлисида қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, илмий-тадқиқот институтларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда соҳага илм-фан ютуқларини жорий қилиш юзасидан Вазирлар Маҳжамасига юборилган парламент сўрови натижалари ҳам муҳокама қилинди.

Сенаторлар бу йўналишда муайян ишлар амалга оширилганини таъкидлашди.

Жумладан, қишлоқ ҳўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидagi илмий-тадқиқот муассасалари томонидан илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида умумий қиймати 49,7 млрд. сўм бўлган 49 та амалий, 7 та инновацион, 1 та

«Халқ сўзи».

Ўрганиш АҲОЛИ БАНДЛИГИ — МУҲИМ МАСАЛА

Олий Мажлис Сенати аъзоларининг худудларда ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан танишиб, мавжуд муаммо ва камчиликларни ўрганиши одат тусига кирган. Шу мақсадда Сенатнинг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Орзигул Қозихонова хизмат сафари доирасида Фарғона вилоятида амалга оширилаётган қатор ижтимоий лойиҳаларни, жумладан, хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш, ёшларни спортга жалб этиш ишларини ва «маҳалла еттичилиги» фаолиятини ўрганди.

Жумладан, Қувасой шаҳридаги Мўян маҳалласида маҳалла раиси, профилактика инспектори, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, ижтимоий ходим ва бошқа масъуллар билан мулоқот ўтказилди.

Унда фуқаролар муаммоларини жойида ўрганиш ва ечим топиш, ёшлар ҳамда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш юзасидан ишлар самарадорлигини кучайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, «Долзарб 60 кунлик» тадбирлари доирасида ушбу маҳаллада хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш самарадорлигини янада ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги ўрганилди.

Маҳаллий Кенгашлар ҳузуридаги «Ёшлар маслаҳат гуруҳи» аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда фаол ййгит-қизлар билан фикр алмашилди ва тегишли тавсиялар берилди.

Шунингдек, сенатор Қувасой шаҳридаги «Бунёдкор» ёшлар санаяти тадбиркорлик зонасида жойлашган Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлигидаги «Garden Catering» қўшма корхонаси фаолиятини билан танишди. Бу ерда хотин-қизлар ва ёшлар учун яратилган иш шароитлари, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва касбий малакасини оширишга қаратилган ишлар таҳлил қилинди.

Қувасой шаҳар хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш марказида шу йўналишда аёлларни ўқитиш ишлари таҳлил қилинди. Бунда уларнинг тадбиркорликка қизиқшини йўналиштириш, махсус ўқув курсларини йўлга қўйиш, «аёллар дафтари»-

«Халқ сўзи».

ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР КЎП, МУАММОЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС



АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ

Айрим ҳолатларда масъул идоралар томонидан Адлия вазирлигининг ҳуқуқий экспертиза хулосасида билдирилган, шунингдек, бошқа ваколатли органларнинг идоровий келишув жараёнида билдирган асосли эътирозлари тўлиқ бартараф қилинмасдан, лойиҳалар ваколатли органларга киритилмоқда. Натижада улар қайта ишланиб, эътирозлар билан дастлабки босқичга — ишлаб чиқувчиларга қайтарилмоқда. Оқибатда айрим муҳим лойиҳалар Қонунчилик палатасига кечикиб киритилмоқда. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳаларини қайтариш ҳуқуқидан фойдаланмасдан, лойиҳаларни бевосита палатада қайта ишлашга мажбур бўлмоқда. Депутатларнинг савий-ҳаракати билан кўплаб қонунлар мазмунан бойитилиб, ҳуқуқий жиҳатдан маромига етказилмоқда.

Нафақат қонун лойиҳаларини, балки барча турдаги қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари сифатини таъминловчи яна бир механизм — коррупцияга қарши экспертиза ҳисобланади.

Коррупцияга қарши экспертиза бўйича махсус қонун асосида амалдаги ҳужжатларни ҳам коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш тизими яратилди, давлат органларига аниқ вазифа ва ваколатлар берилди.

“Ўтган даврда вазирлик ва идоралар томонидан ишлаб чиқилган 110 та қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига жойлаштирилган. Статистикага кўра, ҳар ойда ўртача 1000 одам жамоатчилик муҳокамасида иштирок этади ва лойиҳалар билан танишади. Сўнги бир йилда жамоатчилик муҳокамасига жойлаштирилган қонунчилик ҳужжатлари бўйича 852 та таклиф билдирилган.”

Ҳуқуқ устуворлигини таъминлашда қонунларнинг амалга самарали татбиқ этилиши муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда қонуннинг ҚРни ҳисоблаш йўлга қўйилди. Бу тизим қонун ишлаши учун зарур ҳуқуқий база, молиявий ва моддий-техник ҳамда инсон ресурслари мавжудлигини, ҳуқуқий нормаларнинг сифатли амалга оширилишини ва мақсадларига қай даражада эришилётганини кузатиш, шунингдек, ўз вақтида бўшлиқларни аниқлаб, тегишли чора кўриш имконини бермоқда.

Йиғилишда қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқадиган вазирлик ва идоралардаги юридик хизматлар ходимларининг билим ҳамда савиясини, шу жумладан, норма ижодкорлиги бўйича кўникмаларини доимий равишда ошириб боришга қаратилган ишлар бўйича ҳам тўхталиб ўтилди.

Вазирнинг қайд этишича, ўтган даврда юридик хизмат ходимларининг норма ижодкорлиги, хусусан, тартибга солиш таъсирини баҳолаш, ҳуқуқий ва коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш, қонунларни Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритишда регламент талабларига риоя қилиш масалаларига бағишланган бир қатор конференция ва семинарлар ташкил этилган.

Миллий қонунчиликни тизимлаштириш жараёнига Европа Иттифоқининг икки йиллик халқаро ҳамкорлик дастури (гранти) татбиқ қилинган. Ҳамкорлик доирасида юқори малакали экспертлар жалб этилиб, қонунчилик соҳасини тизимлаштиришга масъул бўлган вазирлик ва идоралар мутахассисларининг кўникмаси оширилган.

“Ҳукумат соати”да депутатлар қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида жамоатчилик муҳокамаси институтидан самарали фойдаланиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳолати билан қизиқишди.

Айтилганидек, ўтган даврда вазирлик ва идоралар томонидан ишлаб чиқилган 110 та қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига жойлаштирилган. Статистикага кўра, ҳар ойда ўртача 1000 одам жамоатчилик муҳокамасида иштирок этади ва лойиҳалар билан танишади. Сўнги бир йилда жамоатчилик муҳокамасига жойлаштирилган қонунчилик ҳужжатлари бўйича 852 та таклиф билдирилган.

“Regulation.gov.uz” порталида жамоатчилик муҳокамаси давомида берилган таклиф ва эътирозларни вазирлик ҳамда идоралар томонидан мажбурий равишда кўриб чиқиш ва муносабат билдириш, шунингдек, лойиҳанинг жамоатчилик муҳокамаси яқунланган, уларни кўриб чиқиш жадвалини бевосита ҳамма кўриши учун эълон қилиш каби қўшимча имкониятлар яратилган.

Бундан ташқари, вазирлик томонидан норма ижодкорлиги жараёнлари рақамлаштирилиб, сунъий интеллект технологияларининг фаол интеграцияси таъминланмоқда. Шу мақсадда “project.gov.uz” порталининг янги талқини ишга туширилган. Қонунларни қабул қилиш учун зарур бўлган жараёнларни амалга ошириш мақсадида алоҳида “project.gov.uz” тизими билан тўлиқ интеграциялашган “E-QONUN” тизими ишлаб чиқилмоқда.

Муҳокамада депутатлар томонидан қонун ижодкорлиги соҳасида сунъий интеллект технологияларини жорий этишда зарур шарт-шароитларни таъминлаш, вазирлиқнинг ҳуқуқий экспертиза хулосаси таъсирчанлигини ошириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида олимлар, экспертлар ҳамжамияти салоҳиятидан унумли фойдаланиш механизмларини яратиш ҳамда қонун лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказмасдан киритилишининг олдини олиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида тушунтириш сўралди. Кўтарилган масалалар юзасидан бир қатор таклиф ва тавсиялар илгари сурилди.

Йиғилиш якунида кун тартибидagi масала бўйича фаол ҳамкорлик қилиш ва самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

Она табиатни, атроф-муҳитни асраб-авайлаш барчамизнинг асосий бурчимиз. Чунки ҳаво, экологик муҳит бузилса, нафақат инсонга, балки ер, сув, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига зарар етиб ифлосланади, зарарланади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси жорий йилнинг олти ойида асосий эътиборни атроф-муҳит муҳофазаси, экология соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ҳимоясини кучайтиришда ягона ёндашувни таъминлашга алоҳида эътибор қаратди.

Таҳлил

Ҳисобот даврида кўмитамиз қонун ижодкорлиги йўналишида жами 7 та қонун лойиҳаси учун масъул бўлди. Шундан 6 таси қабул қилинган бўлса, биттаси иккинчи ўқиш муҳокамасига тайёрланмоқда. Аҳолининг маданий ҳордиқ ва дам олиш масканлари муҳофазасини кучайтириш, қурилишда чанг ва қум зарраларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этиш, ер ости сув ресурслари ҳимояси, уни тежашга қаратилган ва бошқа ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Хусусан, биргина “Ер участкаларидан фойдаланиш тартиби янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариш масканлари муҳофазасини кучайтиришга қаратилган муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Ҳужжат билан давлат мулки бўлган ҳамда аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва дам олиши учун фойдаланиладиган ерларни ёки уларнинг бир қисmini хусусийлаштириш ёхуд бошқача тарзда бегоналаштириш тақиқланди. Ушбу ерларда бинолар ва иншоотлар қуриш ёки мавжудларнинг қурилиш майдонларини кенгайтириш, ушбу ерларнинг ҳудудини қисқартиришни тақиқлаш белгиланди.

“Қурилиш майдонларида чанг ва қум зарраларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этишга доир мажбурий талаблар белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун ҳам бу борадаги муаммоларнинг олдини олишга қаратилган билан аҳамиятлидир.

У билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қурилиш майдонларида атмосфера ҳавосини муҳофаза этиш талабларига риоя қилмаганлик учун жавобгарликни белгиловчи қўшимчалар ва ўзгартириш киритилди. Ҳужжат фуқароларнинг ўз ҳаёти ва соғлиги учун қулай атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ҳуқуқларини таъминлаш, тартибсиз равишда ташланган чанг ва қум зарраларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этишга хизмат қилмоқда.

Қонун лойиҳаларининг ҳар жиҳатдан пишиқ, мукамал бўлишини таъминлашда кўми-

Назорат-таҳлил фаолияти ҳам доимий эътибор марказида бўлиб, ўтган вақт мобайнида 7 та парламент назорати тадбири амалга оширилди. Жумладан, давлат органлари раҳбарларининг 6 марта бахороти эшитилди. Масалан, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Давлат экологик назорати инспекцияси, қурилиш ва коммунал хизмат соҳаларига дахлдор вазирликлар иштирокидаги йиғи-

га чиққан ҳолда ўрганиш ва уларни ижобий ҳал қилиш чоралари кўрилди. Натижада кўплаб муурожаатлар бартараф этилишига эришилди. Жумладан, Фарғона шаҳрида чиқинди ташлаш жойи етишмаслиги муаммоси ҳал бўлди. Учқўприк туманидаги гишт заводи эса зарарли қиқиндиларга қарши усқуналар билан жиқозланди.

Ҳисобот даврида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича ҳам муурожаатлар келиб тушди. Хусусан, “Ов қилиш ва овчилик ҳужжалиги тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш киритиш таклифи билдирилди. Мазкур таклиф кўмитада муурожаатчи иштирокида кўриб чиқилиб, унинг фикрларини келгусидаги қонунчилик фаолиятида инобатга олишга келишиб олинди.

Кўмитамизнинг 2025 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида тизимли ёндашув, самарали парламент назорати ва халқ билан очик мулоқот асосида олиб борилди. Келгусида ҳам амалдаги қонунчиликни ҳаётий эҳтиёжларга мослаштиришга, аҳолининг экологик ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор қаратамиз ва бу олдимизда турган энг асосий вазифалардан бири бўлиб қолади.

Хайрулло ҒАФФОРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси раиси.

“Ҳисобот даврида кўмитамиз қонун ижодкорлиги йўналишида жами 7 та қонун лойиҳаси учун масъул бўлди. Шундан 6 таси қабул қилинган бўлса, биттаси иккинчи ўқиш муҳокамасига тайёрланмоқда. Аҳолининг маданий ҳордиқ ва дам олиш масканлари муҳофазасини кучайтириш, қурилишда чанг ва қум зарраларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этиш, ер ости сув ресурслари ҳимояси, уни тежашга қаратилган ва бошқа ҳужжатлар шулар жумласидандир.”

талар ҳузуридаги экспертлар, жамоатчилик кенгаши ва ишчи гуруҳлар фаол иштирок этди. Ҳисобот даврида 37 та ишчи гуруҳ, 2 та жамоатчилик кенгаши йиғилиши ўтказилди.

Кўмитанинг илмий-тадқиқот ва таҳлил марказлари билан ҳамкорлигини самарали йўлга қўйишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур ташкилотлар билан 9 та меморандум имзоланиб, уларни амалга ошириш бўйича қўшма чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

лишларда уларнинг фаолияти муҳокама қилинди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини ўз вақтида ўрганиш, уларни ҳал этиш, сайловчилар билан тизимли иш олиб боришга ҳам катта аҳамият берилди. Шу даврда 83 та муурожаат кўриб чиқилиб, уларнинг салмоқли қисмига ижобий ечим топилди.

Шу билан бирга, фуқаролар муурожаатларида кўтарилган муаммоларни бевосита жи-

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ БАҲС ВА МУЛОҚОТЛАР ОРҚАЛИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан ҳамкорликда адвокатлар билан очик мулоқот ўтказди.

Унда депутатлар, олимлар, адвокатлар, Адлия вазирлиги, прокуратура, суд ва тергов органлари вакиллари иштирок этди.

Очик парламент

Демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятида эса адвокатура институти алоҳида ўрин тутди.

Сўнги йилларда мамлакатимизда адвокатура институтини такомиллаштириш, унинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш бўйича

кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Адвокатура тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари киритилган ўзгартиришлар бу соҳада туб ислохотларни бошлаб берди.

Мазкур соҳадаги жадал ислохотлар натижасида юртимизда адво-

тура фуқаролар ва ташкилотларга малакали юридик ёрдам кўрсата оладиган, ижтимоий аҳамиятли — махсус ҳуқуқ лаёқати мужассам институт сифатида ўз ўрнига эга бўлмоқда.

Очик мулоқотда адвокатларнинг иш жараёнида учраётган муаммоларни бартараф этиш бўйича қонунчиликни такомиллаштиришга оид амалий таклиф ва тавсиялар муҳокама қилинди.

Учрашувда адвокатлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва соҳадаги айрим тўсиқларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Дилдора КАМОЛОВА,
Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси ўринбосари:

— Ҳар бир инсоннинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариши, ҳимоя қилиши учун юридик кўмак олишида адвокатура институтининг ўрни катта. Демак, улар эркин фаолият юритишида соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш жуда муҳим аҳамиятга эга.

“Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси айнаи шу мақсадда ишлаб чиқилди.

Ушбу ҳужжат адвокатларнинг ижтимоий ва мулки ҳуқуқларини самарали таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Соҳа вакиллари билан мулоқотимиз мобайнида мазкур лойиҳа юзасидан фикр алмашдик, ҳужжат матнини янада такомиллаштириш бўйича муҳим таклифлар олдик. Бу эса лойиҳанинг халқчил бўлишига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адвокатура институтининг ўрни ва ролини янада оширишга кенг йўл очди.

Илёс ЮСУПОВ,
Адвокатлар палатаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи:

— Илгари фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий норма йўқлиги адвокатларнинг тўлиқ мустақиллигини таъминлаш, кафолатлаш, касбий обрўси ва нуфузини оширишга монелик қиларди.

Янги таҳрирдаги Конституция-мизда адвокатлар тўғрисида алоҳида боб киритилиши тарихий муҳим аҳамият касб этди.

Депутатлар билан очик мулоқот давомида фаолиятимизни янада такомиллаштиришга оид бир қатор

Муртазо ОДИЛОВ,
«Одил адолат устун» адвокатлик бюроси раҳбари:

— Адвокатлик институти инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг энг муҳим кафолатларидан бири. Охириги йилларда касбий фаолиятимизни муваффақиятли амалга оширишимиз учун зарур қонунчилик базаси шаклланди. Аммо ҳали ечимини кутаётган масалалар, муаммолар ҳам мавжуд.

Мазкур қонун лойиҳаси мамлакатимизда адвокатура ва адвокатлик фаолиятини тубдан такомиллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилгани билан нафақат соҳа вакиллари, балки кенг жамоатчиликнинг эътиборини ҳам тортмоқда.

Айниқса, адвокатура институти таркибига ёш кадрларни жалб

ЯНГИ ТУЗИЛМА — ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР

Давлатимиз раҳбари шу йил 13 август кунини бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида тўқимачилик соҳасини ривожлантириш учун кўплаб имтиёз ва имкониятларни эълон қилди. Бу шарт-шароитлар, энг аввало, соҳада тўпланиб қолган айрим муаммоларни тизимли ҳал этади. Президентимиз томонидан илгари сурилган муҳим ташаббуслар ниҳоятда зарур утча масалани ечаётганига эътибор қаратмоқчимиз.

Муносабат

Биринчиси, махсулот етиштирувчида то экспорт қилувчига бўлган ҳалқа ўртасидаги муносабатлар янада содда-лаштирилмоқда.

Иккинчиси, энди Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги тўқимачилик, чарм ва ипак саноати тараққиётга масъул бўлади.

Учинчиси, ҳудудларда йирик саноат корхоналарининг филиаллари очилиши билан минглаб янги иш ўринлари яратилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида шу кунларда саноатнинг мазкур етакчи тармоғини кўллаб-қувватлашнинг янги тизими қизғин муҳокама қилинмоқда. Албатта, депутатлар бу борада натижадорликни таъминлашда фаол бўлади. Ҳудудлардаги учрашувларимизда муаммоларни ҳал этишга қаратилган амалий чора-тадбирлар кўра-ми. Соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар ҳам берамиз.

Таъкидлаш керак, алоҳида жамғарма орқали тўқимачилик корхоналарига арзон айланма маблағ ажратилиши, айниқса, кичик ва ўрта бизнес учун кенг имкониятлар яратади. “Божхона ҳудудида қайта ишлаш” режими эса тайёр махсулот экспортини икки

баробар оширишга хизмат қилади.

Янги тузилма молиявий кўмакдан ташқари, кооперацияни кучайтириш, паст қувватда ишлайётган корхоналарни соғломлаштириш, халқаро маслаҳатчилар иштирокида 2030 йилга қадар ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш каби вазифаларни ҳам бажаради. Чарм, ипак ва гиламчилик соҳалари учун алоҳида стратегиялар ишлаб чиқиши миллий брендлар рақобатбардошлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Янги агентлик тўқимачилик соҳасидаги тадбиркорлар учун нафақат маслаҳатчи, балки уларнинг ҳақиқий сунъичига айланиши керак. Мунтазам мулоқот орқали муаммоларни барвақт аниқлаш ва уларга ечим топиш лозим. Бу жараён маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ишончини мустаҳкамлайди.

Бу савий-ҳаракатлар тармоқни жадал ривожлантириш баробарида, молиявий барқарорликни ҳам таъминлайди. Зеро, енгил саноат мамлакатимизда қўшилган қиймати юқори махсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини оширишда халқ қилувчи аҳамиятга эга.

Наргиза САЛОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Бизнинг суҳбат

Миллий менталитетимизнинг асосий хусусиятларидан бири — бу ватанпарварликни шахсий нарсадан устун қўйиш истаги: миллат сифатида ҳар қандай таҳдидларга дуч келганимизда, биз доим бирлашганимиз, ўзлигимизни намоён этганимиз. Бунга тарихий мисоллар кўп.

Узоққа бормасдан жадид боболаримизни олайлик: халқнинг маънавий уйғоқлиги ва маърифати учун ўз ҳисобидан мактаблар қурди. Ёки отасининг азасига

боришга тақиқ қўйилган даврларда ҳам миллат вакиллари ўз илдизлари, менталитетини сақлаб қолди. Бундай рефлексивлик, асосан, ўзбекларга хосми ёки бошқа халқлар ҳам ўзларининг миллий характери ҳақида ўйлашадими?

Таниқли ёзувчи ва журналист, филология фанлари доктори, профессор Хуршид ДЎСТМУҲАММАД билан миллатнинг гоёлари ва идеалларини белгилайдиган миллий менталитет ҳамда қадриятлар ҳақида суҳбатлашдик.



ИНСОНИЙ НЕКБИНЛИК МОҲИЯТИ

— Менталитет ниҳоятда муҳим, ҳамisha долзарб ва гоъта серқирра мавзу. Уни ҳар ким ўзича талқин қилиши мумкин, — дейди суҳбатдошимиз Хуршид Дўстмуҳаммад. — Тўғри, ватанпарварлик туйғуси миллий менталитетимизнинг ўзак томирини ташкил этади. Уни миллийлигимизнинг умуртқасига қиёсласак ҳам янглишмаймиз. Сиз иккита мисолни тилга олдингиз. Академик Азамат Зиёнинг “Ўзбек давлатчилиги тарихи” асари ёзув столимида туради. Имконни топилди дегунча, уни варақлайман. Миллоддан аввалги 1-минг йилликдан бошланган, жами 3 минг йиллик диёримиз, халқимиз тарихи ихчам бир шаклда камраб олинган. Воқеалар силсиласини ўйлаб ўйингизга сифиролмайсиз, қатъий бир тўхтама ёки хулосага келиш шу қадар қийинки, унинг қийинлиги ва мураккаблиги ҳам, умумлаштириб айтганда, ватанпарварлик туйғусига бориб тақалади. Ким кимга қарши жангга отланмасин, “Мен ота юртим, она заманим учун курашмоқдам!” деган ишонч ва эътиқод-ла қилч яланғочланган. Ёнг янгли жойи халқимиз тарихи, асосан, ўзга юртларни истило қилиш — забот этиш эмас (Амир Темур даврини истисно этганда), ўз юртини муҳофаза қилишдан иборат. Ватанпарварлик туйғусининг тарихий шаклланиши боиси ҳам шунда. Ўзаро қирғинларда эса асл ватанпарварлик қай томонда аниқлаш мушкул, лекин ҳар қандай маҳаллий қирғинбарот пировадор оқибатда Ватан манфаатига пугур етказгани муқарраб.

босимларни кимдир билиб-англаган ҳолда, кимдир билмай-англаб етмаган зайлда, унинг мушкулликларига дош бериб яшамоқда. “Дош бериб”ни истаганча талқин этиш мумкин. Бизнинг одамлар учун ҳос бўлмаган, кўз кўриб-қулоқ эшитмаган жиноятлар ҳам ана ўша “дош бериб”нинг ичида. Билмадим, мутахассислар таҳлил қилишадими-қилишмайдими, фикримча, ўта оғир жиноятга қўл урганларнинг ўзлари ҳам ўз қилмишларини тушутириб беролмайдилар. Чунки ҳозирги жиноятларнинг илдизи бошқа томонларда.

Хаммага таниш, аниқ мисол келтирайлик. Бир неча йиллардан буён мамлакатимизда кўча ҳаракати муаммоларини бартараф этиш оғир кечмоқда. Ёнг катта муаммо — автомашина ва пиеда йўловчилар муносабатидеги номуносивлик. Унинг турли сабаблари ўрганилмоқда, чоралар ишлаб чиқилмоқда, лекин натижа, самара деярли кўринмапти. Сабаби фикри оқимчида, автомашина ва пиеда йўловчилар муносабатидеги номуносивлик ҳозиргина оқоридега айтганим икки ўт орасидеги психологик босим оқибатларидан бири. Тўғридан-тўғри менталитет масаласи бу.

— Қандай қилиб? — Хусусий енгил автоулов кўпайгандан-кўпайди, бу янглик ва енгиллик автоуловдан малакали фойдаланиш маданиятини тақозо этади. Сон-саноксиз ҳайдовчиларимиз эса бу қулайликка савод, малака борасидега тайёр эмас. Ҳайдовчи тайёрлаш тизими мутлақо яроқсиз. Бу етмаганди, кўчада ҳаракатланувчи пиеда йўловчилар ҳам амалдаги қонун-қоидаларга мукамал риоя қилмайдилар. Йўл ҳаракатини йўлга қўйиш тизимлари ҳам мазкур янгликка тўла шай эмас. Айтқочиманки, кўча ҳаракати маданияти бамисоли катта бир фан, илм, алоҳида йўналиш даражасига кўтарилмоғи зарур бир пайтда соҳа ўзини ўнглолмайдиғанга ўхша-

“Маънавият-маърифат”нинг қудратли кучига, унинг енгилмаслигига кўпроқ ургу берамиз, бунда биз миллий қадриятларимизга ишонамиз, ўтмишимиз безагига айланган бир қатор мисолларни қайта-қайта тилга олишдан чарчамаймиз. Бу ўринда тасаввуфни қўя турайлик, лекин диний эътиқод таъсирида бўлса керак, миллий тийнатишимизда мазлумга, эҳтиёмандга беминнат ёрдам қўлини чўзишга мойиллик бор. Шу билан бир вақтда савол туғилмоқда: нима учун бугун одамларимизда йўлчи, Обид кетмон, Ўзбекиюмидеги миллий феъл-атвор учра-маслигидан ранжимоғимиз керак? Сиз тилга олган ҳар учала исм ХХ аср ўзбек адабиётининг ўзига хос бадийий образлари сифатида тарихда қолади, бунга шубҳа йўқ, бироқ улар кенг китобхонлар оммасига, хусусан, ёшларимизга ибрат-эталон бўлолмайди. “Ўткан қунар”ни эслайлик. Марғилонда, Зиё шохчининг хонадонидеги меҳмондорчиликда Отабек Шамайга борганидан сўз очилади. “Рус шаҳарларига бориб, савдо қилувчилар Туркистонда жуда оз ҳисобда бўлиб, уларни кўрган Отабек мажлисга таниқланди”. Яъни Отабек дунё кўрган-юрт кўрган одам сифатида ёнидагилардан бир бош юқорилди. “Бизнинг идорамиз, — дейди — у ўйчанлик билан, — бугунги тартибсизлиги билан кета берса, ҳолимизнинг нима бўлишига ақлим етмай қолди”.

Қодирий ҳазратлари Отабек тимсолида дунё кезган инсон назари билан маҳаллий ҳаёт тарзини ўхшатиб тафтиш этмоқда. Айрим адабиётшунос дўстларимиз ушбу ҳолат таъсирида туғилган ҳайрат ҳаяжонда Зиё шохчи ва Мирзақарим кўтидор даражасидега қолиб кетишлари ажаблантиради одамни. Ваҳоланки, Отабекнинг Шамай (Семипалатинск шаҳри) таассуротларига берилиши таъсирида биз бугунги ҳолатга теран қарамоғимиз даркор. Бугунги ҳолатни эса кўриб турибмиз: эндиликда ватандошларимиз

да таълим масканларида бир-икки соат ўтилаётган “Ватаншунослик”, “Мустақиллик кўни” дарслари... Ёки мустақиллик майдонлари, Адиблар хиббонидеги қаҳрамонлар ҳайкали тўлиқ тушунча бера оладими? Бу борадаги таъсирчанликни ошириш учун қандай тақлиф-таъсиялар айта оласиз?

— Аввало, мен хорихда ашмайман. Менга ҳеч ким 15 — 20 та савол билан мурожаат этганича ҳам йўқ. Сўзни мухтасар қилсак, ватанпарварлик, мустақиллик ва ҳоказо муқаддас туйғуларни тарғиб қилишда алмосқодан қолган шакллардан, воситалардан воз кечмоқ керак. Бу борадаги сохторликлар, жимжималар акс таъсир кўрсатади, кўрсатмоқда ҳам. Сохибқироннинг сиз эсланган бағоят ёқимли сўзини кўп такрорлаймиз. Лекин савол туғилади: қандай жамиятда “Куч — адолатда” қарор топади? Назаримда, ўша даврнинг мирзолари, журналист-блогерлари Темур бобога бундай савол билан мурожаат қилишга ботина олишмаган...

“Суверен онг” суверен шахсда камол топади. Ҳозирги турмуш тарзи шахслашув учун айна мудао, буюк Уйғонишга ҳам фавуқуллода шахсларсиз эришилмайди, фақат бу борада ҳам “соатбай”, “тадбирбай” тантанавозликлардан воз кечилмаётгани ажаблантиради одамни.

Ҳар ўшда тарғибот керак, лекин тарғибот услуби янглинмоғи шарт. Биласизми, тарғибот — қанчалар тарғибот эканлиги сезилмаса, шунча кўп самара беради. Акс ҳолда...

Таъсирчанликнинг энг синналган усули — китоб, бадийий адабиёт, илмий адабиёт! Бизнинг замонга келиб, одамзод ўзи ўтирган шохга арра тортмоқда. Ишонч билан айтман, катта адабиёт, катта истеъдод ва маҳорат билан ёзилган бадийий асарлар курраи заманимиз, бепоён осмонимиз, замон ва замондошларимиз тақдири билан ўйнашайтган валломатларни тартибга қаҳиради, хушёрликка ундайди, уларни дунёга ва одамзодга эзгу нигоҳ билан қарашга даъват этади! Зеро, одамнинг кўзига тик қараб туриб, “Сен — инсонсан!” дея ўқдиришга фақат ва фақат адабиёт, бадийий сўз қодир!

— Сиз “Соф ўзбекча қотиллик”, “Жаман”, “Бозор” каби асарларингизда ўзбек характери, руҳи ва дунёсини очибни қойиллатгансиз. Мақоаларингизда эса халқимиз тийнатида ортиқча қабдабаларга мойиллик борлигидан кўйиниб ёзасиз. Айтинг-чи, ўзбекчилик бошқа халқлардан нимаси билан фарқ қилади? Чунки бу сўзининг бошқа тилларда аниқ муқобили йўқ. Ўзбекчилик ўзи нима? Бундай тушунча ҳақида бошқа халқлар қандай ўйлайди?

— Қаранг, миллоддан аввалги VII-VI асрларда Хоразмда сунъий суғориш тизимлари ишлаб турган. Ижтимоий табакалар шаклланиган. VIII-VII асрларда шаҳар маданиятига асос солинган. Жўн гаплар эмас булар. Ақлга-тасаввурга сифидири маҳол денг! Таассуфлар бўлсинки, олис тарих бизнинг халқимизга узлуксиз тараққийёт, узлуксиз юксалиш, узлуксиз ва давомли барқарорликни раво кўрмади. Соғлом ва пухта менталитет эса барқарор муҳитда вужудга келади, шаклланади, ўлғанди. Халқимиз ниҳоятда ижтимоий барқарорликка муҳтож. Кўр-кўрона дабдабага мойиллик Темур боболар, хонлиқлар давридиган мерос. “Меҳмондўст миллат” эканлигимиз кўп тилга олинди, мен миллатимиз тийнати ҳақида сўз очилса, меҳнаткаш, ҳалол, маданиятли, зиёли, илмпарвар, инсоф-этиқодли, мулоҳазали, уddaуборон ва аҳил-иноқ халқ дея мен қозонилишни жуда-жуда оруз қиламан.

— Хуршид ака, маънавият ва қадриятларга, аъналарга таҳдидлар қунданқунга кўпайиб бормоқда. Наҳот нимадда деб ўйлайсиз?

— Ҳозир одамзод қавми эрта тонгдан кўзини очиб-очмай қандай қилиб жон сақлаш ташвишида бош қотирмоқда. Бирор тирик жон, кимлигидан қатъи назар, фавуқуллода тажовуздан қафолатланмаган. “Фалон минтақадаги икки қўшни давлат келишолмай турибди, унинг бизга дахли йўқ” дейдиган замоналар ўтди-кетди. Биз эса давлатимиз раҳбарни далдасида учинчи Уйғониш чўққисини кўзламоқдамиз. Бу — оламшумул некбинлик, оламшумул дадиллик! Бу некбинлик ва дадиллик тўлқинига, албатта, уйғоқлик ярашади. Бу мақсад-муддао йўлида барча-барча имкониятдан самарали ва оқилона фойдалана билишдан ўзга чора йўқ, деб ўйлайман.

Наҳот — янги замон одамларининг онги, тафаккури, интилишидаги фойдали ҳаракат улшини ягона куч-қувват сифатида амалиётга татбиқ эта билишимизда!

Суҳбатдош: Адиба УМИРОВА («Халқ сўзи»).

Ибрат

ЯПОНИЯЛИК КЕЛИН ТАШАББУСИ

Иштихонга келин бўлиб тушган Канаа хоним ҳозирги кунда оиласи билан Самарқанд шаҳрида истиқомат қилади. У Самарқанд туманидаги Миришкор маҳалласида яшовчи 20 та камбағал оила аёлларига ҳамён тикишни ўргатди.

— Аёллар бу хунари тез ўзлаштириб олишди, уларга хомашёни ўзим етказиб бериб, тайёр ҳамёни 20 минг сўмдан сотиб оламан, — дейди Канаа хоним. — Кувонарлиси, маҳсулотни Японияга экспорт қилариз. Ҳар бир оила кунига 10 тадан ҳамён тикишни ҳисобга олсак, уларнинг ойлик даромади 5-6 миллион сўмни ташкил этмоқда.



Канаа хоним фақат бу билан кифояланиб қолаётгани йўқ. Самарқанд туманидан яна 150 — 200 та оилани ишли қилиш бўйича янги лойиҳа устида ишламоқда.

Бундай ибратга лойиқ ташаббусни Ургут туманидаги Хўжагузар маҳалласида яшовчи қўлиғул каштачи Мавлуда Ҳамдамова ҳам қўллаб-қувватламоқда. Эътиборлиси, Мавлуда Хўжагузар ва унинг атрофидаги 6 та маҳалладаги 100 нафардан ортиқ ишсиз аёлларга кашта тикишни ўргатаётди.

У кашта тикиш учун кетадиган барча хомашёни касаначиларга ўзи етказиб бериб, тайёр маҳсулотни ўртача 1,5-2 миллион сўмдан сотиб олмақда. Бу хайрли иш хунар эгаларига ойига 4-5 миллион сўм атрофида даромад келтиряпти. Аммо тан олиш керак, Канаа хоним ва Мавлуда каби ташаббускор аёллар ҳамма маҳалларда ҳам учрамайди. Шундай аёлларни излаб топиш, рағбатлантириш, имтиёз ва имкониятларини кенгайтириш учун вилоятда “Қамбағалликдан фаровонлик сари” дастури жадал амалга оширилмоқда. Бу лойиҳадан қўзланган мақсад йил якунига қадар 35,6 мингта оилани камбағалликдан чиқаришга қаратилган.

Бугунги кунда Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамда барча шаҳар ва туманларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган “Ислохотлар штаби” фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур штабда Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, 4 та устувор йўналиш бўйича “маҳалла еттичилиги” билан биргаликда чора-тадбирлар режаси белгилаб олинган.

— Маҳаллаларда хатлов ўтказилиб, 17,3 минг нафар ишсиз фуқаронинг манзилли рўйхати шакллантирилди, — дейди вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари қотибияти мудир Ривожиддин Махкулов. — Улар билан тўрт томонлама (туман ҳокими, маҳалла раиси, маҳалла банкири ва фуқаро) шартномалар имзоланди. 2025 йил якунига қадар 17,3 минг нафар ишсиз фуқаро, 57 минг нафар меҳнат бозорига кириб келаётган йигит-қиз, 11,6 минг нафар меҳнат бозоридеги тарихий ўзгаришлар орқали кириб келадиган фуқаро ҳамда миграциядан қайтиши кутилётган 21 минг нафар одамнинг бандлигини таъминлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилган. Умуман, йил якунига қадар яна 150 минг нафар аҳоли ишли бўлади.



Жойлардаги “маҳалла еттичилиги” аъзолари билан биргаликда 147 мингта оила билан қайта сўровнома ўтказилиб, 80,3 мингта оила (аъзолари 337,2 минг нафар) камбағаллик реестрига киритилди ва ҳар бири бўйича алоҳида режа ишлаб чиқилди.

Хуллас, вилоятда маҳаллий дастурлар ижросига маъсул бўлган “Ислохотлар штаби” фаолияти жадаллик билан давом этмоқда. Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, шу орқали ишсизликни камайтириш ва пировардида камбағалликни қисқартиришга йўналтирилган фаолият, албатта, ўзининг самарасини беради.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).

“Таъсирчанликнинг энг синналган усули — китоб, бадий адабиёт, илмий адабиёт! Бизнинг замонга келиб, одамзод ўзи ўтирган шохга арра тортмоқда. Ишонч билан айтман, катта адабиёт, катта истеъдод ва маҳорат билан ёзилган бадийий асарлар курраи заманимиз, бепоён осмонимиз, замон ва замондошларимиз тақдири билан ўйнашайтган валломатларни тартибга қаҳиради, хушёрликка ундайди, уларни дунёга ва одамзодга эзгу нигоҳ билан қарашга даъват этади! Зеро, одамнинг кўзига тик қараб туриб, “Сен — инсонсан!” дея ўқдиришга фақат ва фақат адабиёт, бадийий сўз қодир!”

япти. Ваҳоланки, бу борадаги янгликларни омаллаштириш, кенг омма онгига, тушунчасига муттасил етказоа бориш мутлақо ўзгача-янғича тизим яратиши, жўн қилиб айтганда, ялпи саводсизликка барҳам беришни тақозо этмоқда.

— Саводсизликка барҳам беришнинг биргина йўли — бу маънавият. Бизда маънавият моддиятга эмас, руҳий қомилликка интилган. Прагматизм кўпинча қораланган. Миллий тафаккурият тасавуфга асослангани боис виждонга қарши борилмаган. Инсонпарварликнинг юксак намунасини кўрсатган Шомаҳмудовлар оиласини олайлик, Иккинчи жаҳон уруши даврида турли миллатга мансуб қаровсиз ва етим қолган 13 нафар, урушдан сўнг яна 3 болани ўз тарбиясига олишган. Буни тарихда қолиш учун эмас, чин юракдан қилган. Агар яна бирор муаммо юзага келса, ўзбеклар миллатидан қатъи назар, бутун дунёга ёрдам беришни истаган. Шундан ҳалигача бизнинг давлатимиз кўп миллатли, турли маданиятларга хурмат ва бир-бирига муҳаббат сақланиб қолган. Бироқ бугунги глобаллашув барча инсонлар маҳражини йўқотиб, фақат суратни қолдиришга зўр бермоқда. Йўлчи, Обид кетмон, Ўзбекиюмлардаги миллий характер замонавий ўзбекларда учрамайпти. Сизнингча, бугун қадриятларимизни қай даражада қайта кўриб чиқишга эҳтиёж сезилмоқда?

— Йўқ, халқона-миллий қадриятлар қайта кўриб чиқиладиган муаммо эмас, у ўз ҳолича, яшаш ва фикрлаш тарзига қараб гоҳ секин, гоҳ шиддат билан ўзгарувчан ҳодиса, жараён. Миллий қадриятларга реал ҳаёт тарзи сайқал беради, маромга келтиради, тоблаяди. Бизда бу жараён гоътада суст кечади.

Бизда алоҳида таълимот даражасига кўтарила бораётган “Маънавият-маърифат” тушунчаси моҳиятини ташкил этган маъномазмун, мақсад-муддао, муаммою иддаолар Тофқлер таълимоти мағзига яқин.

ҚАЛБЛАРДА ҚУВОНЧ ВА ҲАЯЖОН

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА КИРИШ БЎЙИЧА ИМТИХОН НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Кеча олий таълимга кириш ниятида имтихон топширган ёшларимиз учун қувонч ва ҳаяжонга тўла, бир умр эсда қоларли кун бўлгани, шубҳасиз. Боси, 2025/2026 ўқув йили учун олий ўқув юр்தларининг бакалаврият таълим йўналишларига кириш тест синовлари бўйича танлов натижалари эълон қилинди.

Абитуриентлар натижаларини уч усулда: паспорт серияси ва рақами ҳамда шахсий идентификация рақамини киритиш орқали "my.uztmb.uz", ID рақамини киритиш йўли билан "mandat.uztmb.uz" платформаларидан, шунингдек, олий таълим муассасаларига тақдим этилган тест натижалари қайдномасидан қилиб олди.



Ақшам МУХАММАДОВ оғлон сурати.

«Абитуриент — 2025»

Сидқидилдан қилинган меҳнатлар ҳеч қачон бесамар кетган эмас. Тинимсиз ўқиб, изланган, билимни йигит-қизлар, албатта, талабалар шарафига мурасар бўлди. Таълим олишда эришчюлик, кунтсизлик қилган айрим ёшлар эса аксинча... Улар ўзига яраша тажриба тўплади ва зарур хулосалар чиқарди.

Жорий йил олий таълим даргоҳларига ўқишга кириш учун 671 миң 397 нафар абитуриент рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг 63 фоиздан ортиғи мактаб, лицей ва техникумларнинг жорий йилги битирувчилари ҳисобланади.

2025/2026 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари бакалавриятининг кундузги таълим шакли-

га қабул учун 148 400 та квота ажратилган. Кечки таълимга эса 28 732 та. Масофавий таълим шакли учун 18 195 та ўрин берилган. Бу рақамлар эртанги кунга умид билан боққан шунча инсонлар, уларнинг яқинлари қалбда, хонадонда катта хурсандчилик бўлганидан далolat.

Қувонарли яна бир статистика: бу йил 826 нафар абитуриент максимал даражада — 189 балл тўплади. Юз физик натижа! Ўзбекистон ёшларининг билимга чанқоқлиги ва юксак кувваи ҳофизасининг нишониси бу. Тўғри, максимал балл тўплашда халқаро ва миллий сертификатларнинг тан олиниши ҳам катта роль ўйнаган. Аммо ўша сертификатларни олишнинг ҳам ўзи бўлмаган. Уларни ҳам етарли да-

ражада салоҳияти бор абитуриент кўлга киритган.

— Уғлим Самандар Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетига ўқишга қабул қилинди, — дейди жиҳазли Фахриддин Худойбердиев. — Оиламизда чинакам байрам бўлди. Бу — мамлакатимизда ёшларга берилмаётган кечис имкониятлар меваси. Илоҳим, ҳар бир ота-она фарзандининг бахту камолини кўриб юрсин!

Бу йилги олий таълимга қабул жараёнлари хотин-қизлар учун ҳам алоҳида воқелик бўлди. Чунки бир неча йилдан бўён эҳтиёмжанд хотин-қизлар учун тавсиянома асосида бериб келинаётган имтиёзли 2 миңга та грант квотаси жорий йилда Президент фармойишига муво-

фиқ икки баробар кўпайтирилган ҳолда, 4 миңга этиб белгиланди. Бу олий таълим оломқчи бўлган опа-сингилларимизни беҳад шод қилгани аниқ.

— Танлаган бешта йўналишимда ҳам ўқишга кирибман, — дейди пойтахтлик Хуршидабону Норбоева. — Албатта, улардан фақат биттасида таълим олишим мумкин. Шу боис мен Тошкент архитектура-қурилиш университетидега ўқишга қарор қилдим.

Яна бир маълумот. Талабалар бахтига эришган ёшлар тест синовлари адолатли, шаффоф тарзда ўтганини эътироф этмоқда. Аммо имтихон натижаларидан қониқмаган, норози бўлганлар ҳам учраши табиий. Шу боис бугундан натижалардан норози абитуриентлардан апелляция аризасини қабул қилиши бошланди. Улар ўз аризаларини "my.uztmb.uz" сайтида (шахсий кабинети орқали) онлайн тарзда 15 августдан 24 августга қадар беришлари мумкин. Апелляция аризасини берган абитуриентга уни кўриб чиқиш санаси ва вақти кўрсатилган хабарнома берилади. Абитуриент хабарномада белгиланган вақтда шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва хабарнома билан Билим ва маълумот алоҳида агентлигига (ёки хабарномада белгиланган жойга) келиши керак.

Апелляция шикоятларини кўриб чиқиш 2025 йил 21 августдан бошланади. Демак, қайноқ ёзининг ҳарорати хаяжонлари хали давом этади.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»).

Офарин! БИТИРУВЧИЛАРНИНГ БАРЧАСИ ТАЛАБА

Халима Худойбердиева номидаги ижод мактаби битирувчиларининг 20 нафари давлат гранти ва 16 нафари тўловшартнома асосида нуфузли олий таълим даргоҳларига ўқишга қабул қилинди.

Хусусан, улар Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳамда Гулiston давлат университети каби олий таълим муассасалари талабаси бўлди.

— Омад билимчиларга қулиб боқадим, дейишгани рост экан, — дейди Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетига ўқишга қабул қилинган Матлуба Шакарова. — Тест жуда шаффоф ва ҳаққоний тарзда ўтди. Билим ва маҳорат ўз сўзини айтди. Мен оташин шоира Халима Худойбердиева номидаги ижод мактабидега тахсил олиб, нуфузли университет талабаси бўлганимдан хурсандман.

Эслайтиб ўтамиз, мазкур ижод мактабининг 3 нафар ўқувчиси муддатидан олдин Малайзия, АҚШ, Латвия давлатларининг халқаро университетларига грант асосида ўқишга қабул қилинган эди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

Ҳисобли дунё экан. Инсоннинг ҳар бир амали, эртами-кечми, албатта, ўз баҳосини, ажрини топади. Яхшилиқ ҳам, ёмонлик ҳам изсиз кетмаслигининг ҳаётий исботини ҳар биримиз кўрганмиз, эшитганмиз. Муштарийларимиз йўллаган қуйдаги воқеалар баъни барчамизни фикрлашга, диққат-эътиборли бўлишга ундайди.

ҚАССОБНИНГ КАСОФАТИ

Бу воқеага анча йил бўлиб қолди. Маҳалламизда Исमत қассоб деган киши яшарди. Қассоблик унга ота касб. Нусрат ота ҳам узок йиллар шу касб билан шуғулланган. У сўйиб дўконга чиқарган гўштни харидорлар ҳамшиша ишонч билан харид қиларди. Чунки Нусрат отаниннг ҳалоллигига, тақводорлигига ҳамма ишонарди.

Бирок ўғли... бироз ноинсофлиги, тарозидан уриб қолиши, харидорларни алдашини кўпчилик биларди. Кунларнинг бирида Исमत қассоб машинасида уйга қайтаётган, йўлни кесиб ўтаётган бир қўйни уриб юборди. Энди жуфтакни ростламоқчи бўлганида қўйнинг эгаси келиб қолади ва қассобнинг йўлини тўсади. Қассоб шартта тушиб, қўйнинг бўзига пичоқ тортади. Аммо бу пайтда жониворнинг жони узилиб бўлганди. Қўйнинг эгаси "Пулини тўлайсан", деб туриб олади. Қассоб тортиша-тортиша қўйнинг пулини тўлайди, аммо жониворнинг ўлигини кўчага ташлаб кетишга қўзи қиймайди.

"Буни уйдаги итларимга нимталаб бераман, терисини сотаман", деб қўйни машинаниннг юкхонасига босади. Қассоб шунча пулга қуйиб қолишни истамасди. Қушхонага опкириб, қўйнинг терисини шилиб, саранжомлайди. Гўштни нимталаб, сотишга тайёрлайди.

Шу пайт отаси келиб, гўштни кўздан кечиради. Қассоб эмасми, гўшга бир қараб, унинг ҳаром қотган қўйники эканини англайди.

— Бу ўлган қўйнинг гўштини нима қилмоқчисан? — сўрайди у ўғлидан.

— Буми? Шунчаки терисини шилиб олдим, гўштини жарга обориб ташлайман, дайди итлар еб кетади.

Бирок нафси ҳақалак отган Исमत қассоб эртасигаёқ отасининг кўзини шамғалат қилиб, гўштни пуллаб юборади. Ота бундан беҳабар қолади. Шу тариқа орадан бир неча ой ўтади. Қассоб оғир касалликка чалинди. Бадини ни аллақандай яра-чақа босиб кетган экан. Ҳеч қандай дори даво бўлмади. Кундан-кунга қассобнинг дарди оғирлашди.

Бечора ота ўғлининг тепасидан бир зум ҳам кетмади. Беихтиёр эсига ўша кунги воқеа тушди-да, ўғлидан бу ҳақда сўради. Угли эса бош чайқаб, ҳаром гўштни сотиб юборганини маълум қилди.

...Исमत қассоб ўнганмади. Номаълум дард уни бир ҳафтада адо қилди. Ҳаром қотган қўй билан боғлиқ ҳодиса эса ҳамон одамларнинг оғзидан тушмайди.

Дилмурод САФАРОВ. Бухоро вилояти, Ромитон тумани

ХУДО БИЛАР КИМ ОДИН КЕТАР...

Бу воқеага ўн йилдан ошди. Ишхонамизда Шораҳим ака деган ҳисобчи ишларди. Ҳисобчи қўпол ҳақиларни билан кўпчиликнинг гашига тегиб юрарди. Кунларнинг бирида ташкилотимизнинг кадрлар бўлими бошлиғи қизини узатиб, Тошкент марказидаги тўйхонада ош берди. Тўйга илгари бизда ишлаб кетганларни ҳам чақирибди. Анча йиллар аввал пенсияга чиқиб кетган қоровул Иноғом ота ҳам келиб, ҳаммамиз билан сўрашиб чиқди. Биз билан бир столда ўтирди.

Ҳамма жойлашиб олган Шораҳим ака бизга кўз қисиб, ўта хоксор, чумолига ҳам озор бермайдиган Иноғом отага луқма ташлади:

— Э, Иноғом ота, сизни аллақачон нарёққа жунаворган деб юргандик. Қаранг, одам ўлмаса, юрвераркан-да, ҳа-ҳа-ҳа!

Унинг бу совуқ ҳазилига ўзидан бошқа ҳеч ким кулмади. Иноғом ота ҳам гўё ҳалиям тирик юрган учун жиҳлат бўлаётгандек давраниннг бир четидега ўтирарди. Даврага ноқулай жимлик қўқди. Шу пайт ош тортилди-ю, кимдир гапни буриб юборди:

— Қани, ош ҳам келди, тўрдан узатинглар, ҳа баракалла. Иноғом ота, энди ўзингиз бошлаб берасиз-да, а?

Тўйхонадан чиқарканмиз, икки-уч киши Шораҳимга дакки берган бўлди:

— Э, суф сизга, бечора чолни нега мулзам қиласиз? Худо берган умрини ашайди-да!

— Э, ман институтни битириб ишга келганимда ҳам бу чол ҳозиргидек муниллаб юрарди. Ушангаям йигирма йил бўлди. Рост, кўриб ҳайрон қолдим. Одамзод учун яшаш жонига теғмас экан-да!

Одамлар "бунга гап кор қилмайди" дегандек, терс бурилиб кетишди.

Тасодифми, ё Яратганнинг иродаси биланми, орадан олти ой ўтар-ўтмас Иноғом ота билан яна учрашиб қолди. Бу гал тўйдасам, Шораҳим аканинг жанозасида... Соппа-соғ юрган одам уч кун тоби қочиб ётиб қолибди-ю, бандаликни баҳо келтирибди.

Иноғом ота бошига эскирган дужоба дўпписини бостириб олган, марҳумнинг яқинларига таъзия изҳор қиларди:

— Бандлик экан. Жуда яхши, камсўқум йигит эди. Аллоҳ раҳмат қилсин...

Ўқтам ИЛЁСОВ. Тошкент шаҳри

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Орзу-хавасли, болажон халқимиз. Фарзандимиз дунёга келиши билан қўни-қўшни, ёр-биродарларимизга дастурхон ёзиш гамида бўламиз. Урф-одатларимизни адо этиш ниятида елиб-югурамиз. Бир сўз билан айтсак, тўй қилиб, эл олтидан ўтайин деймиз. Бундан мақсад-муддао — фарзандга бахт-иқбол тилаб, эл дуосини олиш. Аммо... орамизда шундай кимсалар ҳам борки, "Фалончи зўр тўй берди" деган гап худбин кўнглига хуш ёқади. Гўёки тўйдан мақсад дабдабаю асъаса, тўкин дастурхонини кўз-кўз қилиш...

Афсуски, бугунги тўйлар ўз мазмун-моҳиятидан узоклашиб, кўз-кўз қилинадиган, иқтисодий зўриқиб ва ижтимоий тенгсизликни чиқарувчи воситага айланиб бормоқда. Тўйлардаги ортиқча дабдаба, маросимлар ва ижтимоий тенгсизликлар оилаларни молиявий инқирозга дучор қилмоқда. Ва айниқса, ёшларнинг онгида дабдабазликка мойилликни шакллантирмоқда.

Аслида тўй — ҳар оиланиннг шодлиги ва икки ёшнинг янги ҳаётга қадам қўйиш маросими. Уни ўз табиий ва маънавий моҳиятида сақлаш, ортиқча асъаса ва дабдабалардан воз кечиш — ҳар бир инсоннинг, жамиятнинг манфаати-га хизмат қилади.

Ижтимоий рейтинг ва сохта обрў кимга керак?

Очигини айтганда, мамлакатимиздаги ҳар бир ҳудуднинг, ҳатто ҳар бир қишлоқнинг тўй билан боғлиқ ўзига хос аънаёлари, урф-одатлари бор. Масалан, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказиладиган тўй маросимлари тобора дабдабали тус олмақда. Бу ердаги исрофгарчилик орзу-хавас эмас, балки маънавий билимнинг етишмаслиги ифодасидир, десак, хато бўлмайди. Серхашам тўйхоналардаги тўкин дастурхонлар, фалон сўмлик қалин пули ва куёвдан талаб қилинадиган турли шартлар ҳаёт меъёрларига соя солаётган ҳолатлардир. Бу шов-шувлар аслида муҳаббат ва меҳрга эмас, балки ижтимоий рейтинг ва обрў ортиришга қаратилган бачкана чиранишдир. Натижада тўйдан кейинги ҳаёт тўғрисидаги фикрлар иккинчи ўринга тушиб қолмоқда.

Бугунги кунда баъзи оилаларда тўй харажатлари уларнинг йиллик даромадидан икки-уч баробар ошиб кетади. Шу боис тўй қилаётганларнинг ярмидан кўпи банклардан кредит олишига тўғри келмоқда. Шундай бўлса-да, айрим жойларда хали-хануз

ОИЛА БАХТИ ДАБДАБАДА ЭМАС

қалин пули, мазар элтиш, салом пули каби удуллар сақланиб қолган. Бу на куёвга, на келинга енгиллик олиб келади. Аксинча, тўй сабабли қарзга ботган оилаларда маънавий тушқунлик, ёшлар орасида эса норозилик кайфияти пайдо бўлмоқда. Умидсизлик, ёшлиқдаги ишонсизлик уларни нафақат иқтисодий, балки руҳий

миз аънаёларни тўлиқ рад этиш эмас, балки уларни қайта шакллантириш, маънавий мазмунига содиқ қолган ҳолда иқтисодий жиҳатдан енгиллаштириш тарафдорлиги бўлиб бормоқда. Заонавий, илҳам, самимий муҳитда ўтказиладиган тўйлар жамият учун ижобий ҳислатдир. Албатта, бунда ёшларнинг ижтимоий тафаккури-

ри ва ОАВ орқали жамоатчилик онгини ўзгартириш. Оила қуриш маросимида инсонлар бири-бирининг қалбига қулоқ тўтсин, нафс ва обрў учун эмас, муҳаббат ва эътибор учун йиғилсин. Тўй жамоавий масъулият дегани ҳамдир. Чунки тўй бу ота-она, маҳалла, ҳамжамиятнинг ҳам маънавий бирлашув нуқтаси. Агар тўйни шунга яраша ислоҳ қилсак, нафақат иқтисодий барқарорлик, балки маданий соғломлашувга ҳам эришамиз.

— Халқимизда маслаҳатли тўй тарқамас деган ажойиб нақл бор, — дейди Кўрғонтепа туманида истикомат қилувчи Сайдулло Фазлиддинов. — Шу маънода, бизга ўғлимиз ибрат бўлди, десам, кўпчилик ажабланиши мумкин. Хабарингиз бўлса, бизда келин томон тўйдан аввал кичик мазар юборади. Унда беш-ўнча саватда емак-ичмак ва совға-саломлар бўлади. У орқали биз қўни-қўшнларга тўйдан дарақ берамиз. Тўйдан бир кун олдин катта мазар олаемиз. Бунда 30 — 40 та саватда салаатдан тортиб то пишириқча юборилади. Бу билан кўвнинг жўралари меҳмон қилинади. Тўйдан кейин яна 40 кун мазар ташилади.

Қарангки, ўғлим шу одатларнинг барчасига нуқта қўйди. "Шу илтимосимга рози бўлсангиз уйланаман, бўлмаса йўқ", деди у. Ундаги қатъият олдида ўзимдан уялиб кетдим. Шу боис мен ҳам ота сифатида ўзим билан боғлиқ катта бир маросимга нуқта қўйдим. Яъни фотиҳа тўйга! Одатда тўйдан аввал куёв томон-

“Бугунги кунда баъзи оилаларда тўй харажатлари уларнинг йиллик даромадидан икки-уч баробар ошиб кетади. Шу боис тўй қилаётганларнинг ярмидан кўпи банклардан кредит олишига тўғри келмоқда. Шундай бўлса-да, айрим жойларда хали-хануз каби удуллар сақланиб қолган. Бу на куёвга, на келинга енгиллик олиб келади. Аксинча, тўй сабабли қарзга ботган оилаларда маънавий тушқунлик, ёшлар орасида эса норозилик кайфияти пайдо бўлмоқда. Умидсизлик, ёшлиқдаги ишонсизлик уларни нафақат иқтисодий, балки руҳий жижҳатдан ҳам тангликка олиб келяпти.

жиҳатдан ҳам тангликка олиб келяпти.

Тўғри, ҳар қандай аънава миллатнинг тарихий хотираси ва маданий белгиси ҳисобланади. Қалин пули, мазар элтиш каби урф-одатлар ҳам ўз даврида маънавий ва ижтимоий вазифаларни бажарган бўлиши мумкин. Лекин уларни ўзгартирмасдан, ўзгартиб бораётган жамиятга мослаштирмасдан сақлаш, нафақат иқтисодий муаммолар, балки одамлар орасида тенгсизликни ҳам кучайтириши турган гап. Шу боис ҳаёт тажрибасига эга кесаллари-

даги ўзгаришлар жуда муҳим аҳамият касб этади.

«Тўй харажатини қайтариб, янги уйга тўлов қилдик...»

Илҳам тўй — бу нафақат куёв ва келиннинг қувониқи, балки жамиятнинг маънавий ифодаси. Агар тўй маросимлари қайта маъно касб эта бошласа, улар инсонлар орасидаги самимиятни тиклашга хизмат қилади. Бу жараёнда асосий вазифа — зийёлар, уламолар, маҳалла фаолла-

Мамлакатимизда кеча бошланган «Silk Road to Tokyo WA Continental Tour Bronze» халқаро мусобақаси 18 августда яқунланади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 842. 10 709 нусxada босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Гезатимиз ҳақидаги маълумотларни оқиб олтиш учун QR-коддини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхат 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайлади.

Гезатининг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Гезата таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Гезатининг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — А. Алиқулов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буок Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 00.00 Топширилди — 00.35 1 2 3 4 5 6